

ҒАЛЛАНИНГ СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурахмонов Диёржон Муҳаммадали ўғли

Ассистент Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
Андижон. Ўзбекистон

Аннотация: Ўзбекистон аҳолисини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида ҳукуматимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари зиммасига ғалла мустақиллигига эришишдек масъулияти вазифани қўйди. Буни амалга ошириш учун юқори сифатли, зараркунанда ва касалликларга чидамли уруғлик тизимини ташкил этиш, бошоқли дон экинларини юқори агротехника асосида парвариш қилиш, ўғитлаш ва суғориш ишларини ўз вақтида ўтказиш билан бир қаторда ғалла экинларига зарар келтирувчи зарарли организмларга қарши кураш чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада оддий ғалла шираси ҳамда катта ғалла шираси биологик хусусиятлари келтирилган.

Калит сўз: Бошоқли дон, харорат, оддий ғалла шираси, катта ғалла шираси, тухум, етук зот.

БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОСУЩИХ ВРЕДИТЕЛЕЙ ЗЕРНА

Абдурахмонова Диёржона Муҳаммадали угли

Ассистент

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий
Андижан. Ўзбекистан

Аннотация: В целях удовлетворения потребностей населения Узбекистана в зерне и зерновых продуктах наше правительство поставило перед работниками сельского хозяйства задачу достижения зерновой независимости. Для этого важно организовать качественную, устойчивую к вредителям и болезням семенную систему, возделывать зерновые культуры на основе высокой агротехники, своевременно проводить работы по удобрению и поливу, а также своевременно проводить мероприятия по борьбе с вредными организмами, наносящими вред зерновым культурам. В статье представлены биологические характеристики обыкновенной и большой пшеничной тли.

Ключевое слово: Зерно колосовое, температура, простой зерновой сок, большой зерновой сок, яйцо, взрослая порода

BIOECOLOGICAL FEATURES OF GRAIN SUCKING PESTS

Abdurahmonov Diyorjon Muhammadali ugli
Assistant Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies
Andijan. Uzbekistan

Abstract: In order to meet the needs of the population of Uzbekistan for grain and grain products, our government has set the task of achieving grain independence for agricultural workers. For this, it is important to organize a high-quality seed system resistant to pests and diseases, cultivate grain crops based on high agrotechnology, carry out timely fertilization and irrigation work, and timely implement measures to combat harmful organisms that damage grain crops. The article presents the biological characteristics of common and large wheat aphids.

Keywords: Spike grain, temperature, simple grain juice, large grain juice, egg, adult breed.

Оддий ғалла шираси – *Schizaphis graminum* Rond.

Оддий ғалла шираси бошоқли дон экинларига зарар келтириб яшовчи ва миграция ҳосил қилмайдиган (бошқа турдаги ўсимликларга кўчмайдиган) шираларнинг биридир. Бу шираларнинг қанотсиз урғочи зотлари ялтироқ, оқиш яшил рангда бўлади. Танасининг орқа қисмида тўқ яшил чизиқлари бор, бу турдаги ширалар республикамизнинг барча ғаллазорларида учрайди. Шираларнинг очиқ далада қишки диапаузадан чиқиб зарар келтира бошлаш муддатини аниқлаш учун йил давомида кузатувлар олиб бордик. Кузатувларимиз давомида ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 7-8° С бўлганда буғдойзорларда шираларнинг қишки диапаузадан чиққан личинкалари кўрина бошлади. Ҳарорат кўтарилиши билан бу зараркунанданинг партеногенетик кўпайиши кузатилди. Оддий ғалла ширасининг қишки диапаузага кетган тухумларининг эмбрионал ривожланишини ўрганиш учун Е.Радченко (1991) услуби асосида кузда йиғиб келинган қишлоғга кетган шира тухумларини термостатларга қўйиб, улардан неча кунда личинка чиқишини аниқланади.

Катта ғалла шираси *Sitobion avenae* F.

Катта ғалла шираси республикамизнинг барча суғориладиган ғалла экиладиган майдонларида учрайди. Бу ҳашаротнинг етук зоти 2,5-3,5 мм. катталиқда бўлади. Ранги ялтироқ сарғиш-яшил рангда қорин қисмида сарик доғлари бор. Тадқиқотларимиз давомида катта ғалла шираси асосан буғдой ва арпа бошоқларида, байроқча баргларида, айрим ҳолларда эса ўсимлик пояси ва баргларида жойлашиб ҳаёт кечиришини кузатдик. Бу турдаги шираларнинг ёғингарчилик кўп бўлган йилларда буғдой бошоқларининг қилтиқларида жойлашиб озиқланишини, ёғингарчилик кам бўлган йиллари бошоқларда ҳаттоки гулларининг ичига кириб олиб ўсимлик танасидан суюқлигини сўриб озиқланишини кузатдик. Натижада дон ҳосил бўлувчи тўқималар нобуд бўлиб, ҳосилдорликка катта зарар етказиши тадқиқотлар ва кузатувлар асосида аниқланди.

Катта ғалла ширасининг бир йилда неча авлод бериб ривожланишини ва урғочи зотларининг қанча пушт беришини аниқлаш учун изланишлар олиб бордик. Маълумотлардан кўриниб турибдики, катта ғалла ширасининг қишлаб чиққан партеногенетик имаголари қулай шароитга тушгач 3-5 кун кўшимча озиқланиб, тирик личинка туғиб кўпая бошлайди. Тажрибаларимиз натижалари шуни кўрсатдики, бир дона қишлаб чиққан катта ғалла шираси табиатда ўртача 29,3 кунгача яшаб, шу вақт ичида 9-10 тагача личинка туғиши мумкин. Ҳаво ҳарорати ўртача 5-10° С бўлганда шираларнинг личинкалик даври 14-16 кунгача давом этди.

Зараркунандаларга қарши кимёвий усул билан курашиш учун ўсимлик шираларига қарши тавсия этилган препаратлар қўлланилади. Бунинг учун Ўзбекистонда қабул қилинган иқтисодий зарар миқдор мезони бўлиб қуйидаги зарарланган пояда трипс етук зоти 8-10 та ва ундан кўп бўлса. Кузги буғдой бошоқлари 15-20 та, баҳорги буғдойда эса 30-40 личинка ва етук зоти мавжудлиги кимёвий кураш ўтказиш кераклигини кўрсатади.

Суғориладиган ғалла агробиоценозида бошоқли дон экинлари шираларининг табиий кушандаларидан кокцинеллидлар, сирфид пашшалари ва олтинкўзлар доминант тур сифатида кўп учраб, битта личинкаси бир кун давомида 35 тадан 250 тагача шираларни яксон қилади.

Бошоқли дон экинларида ширалар дала бўйлаб ёппасига тарқалганда ва уларнинг сони ИЗМга етганда қуйидаги кимёвий прапаратларнинг бирортаси билан ишлов ўтказиш тавсия этилади: кинмекс, 5 % э.к. (0,2 л/га); фюри, 10 % э.к.(0,3 л/га); циперметрин, 25 % э.к. (0,3 л/га); суми-алфа, 5 % э.к. (0,3 л/га); бульдок, 2,5 % э.к. (0,5 л/га); циперфос, 55% э.к. (0,5 л/га); талстар, 10 % э.к. (0,5 л/га); нурелл-Д, 55 % э.к. (1,2 л/га); дельтафос, 36 % э.к. (1,2 л/га); карбофос, 50 % э.к.(1,5 л/га).

1-расм



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимухамедов С.Н., Адашкевич Б.П., Адъшов З.К., Ходжаев Ш.Т. /Биологический метод борьбы с главнейшими вредителями хлопчатника. - Ташкент: Мехнат, 1986. -131с.
2. Бондаренко Н.В., Асякин Б.П. Испытание эффективности галлица

Aphidoletes aphidimyza Rond. В борьбе тлями в зимних теплицах //Записки ЛСХИ, 1975.-Т.270.-С.29-33.

3. Турдиева, Г. А., Камбарова, М. А., & Эргашева, Х. И. (2019). Применение гербицида Зета в выращивании озимого нута. *Инновационная наука*, (5).

4. Шукуров, Х. Х., Рахмонова, М. К., & Эргашова, Х. И. (2023). НОКНИНГ ЗАРАРКУНАНДАСИ НОК ШИРИНЧАСИ (*Psylla pyri* L) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ. *Science and innovation*, 2(Special Issue 6), 731-733.